



**CURRENT ISSUES OF PLANNING AND ORGANIZATION OF  
PROSECUTOR'S SUPERVISION OVER THE  
IMPLEMENTATION OF LEGISLATION ON FARMING**

**Urunbaev Nuriddin Nurmuratovich**

2nd year master's student at  
the Law Enforcement Academy

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15220953>

**ARTICLE INFO**

Received: 09<sup>th</sup> April 2025

Accepted: 14<sup>th</sup> April 2025

Online: 15<sup>th</sup> April 2025

**KEYWORDS**

*Agriculture, subject, object,  
prosecutor's supervision,  
legal regulation,  
regulatory legal acts,  
organizational and legal  
bases.*

**ABSTRACT**

*This article discusses the issues of the object, subject and legal regulation of prosecutorial supervision of the implementation of legislation in the field of agriculture.*

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЛАНИРОВАНИЯ И ОРГАНИЗАЦИИ  
ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О  
ФЕРМЕРСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**Урунбаев Нуриддин Нурмуратович**

Магистрант 2 курса

Академии правоохранительных органов  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15220953>

**ARTICLE INFO**

Received: 09<sup>th</sup> April 2025

Accepted: 14<sup>th</sup> April 2025

Online: 15<sup>th</sup> April 2025

**KEYWORDS**

*Сельское хозяйство,  
предмет, объект,  
прокурорский надзор,  
правовое регулирование,  
нормативно-правовые  
акты, организационно-  
правовые основы.*

**ABSTRACT**

*В статье рассматриваются вопросы объекта, предмета и правового регулирования прокурорского надзора за исполнением законодательства в области сельского хозяйства.*

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН  
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Урунбаев Нуриддин Нурмуратович**

Ўқуққни муҳофаза қилиш академияси магистратураси 2-курс тингловчиси



## ARTICLE INFO

Received: 09<sup>th</sup> April 2025

Accepted: 14<sup>th</sup> April 2025

Online: 15<sup>th</sup> April 2025

## KEYWORDS

Фермер хўжалиги,  
предмет, объект,  
прокурор назорати,  
тартибга солиниши  
масалалари, қонун  
ҳужжатлари, ташкилий  
- ҳуқуқий асослари.

## ABSTRACT

*Ушбу мақолада фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти, предмети ва ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари ёритилган.*

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, шунингдек соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тўғри ва мақсадли режалаштириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ташкилий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали ташкил этиш фермер хўжаликларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим Д.И.Барабаш прокуратура органлари фаолиятида таҳлилий фаолият ва башорат қилиш ҳамда режалаштириш бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, таҳлил натижасида муайян ҳолатнинг ривожланиши ҳақида башорат қилиш ва унинг асосида мўйян тадбирларни режалаштириш мумкин бўлади деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Башорат қилиш - жараён, воқеа ва ҳодисаларнинг келгуси ҳолати ҳақида маълумотларни олиш жараёнини ўзида акс эттиради. Прокуратура органларида қонунчилик ҳолати ва унинг келгусидаги алоҳида элементлари (*ташкилий тузилма, кадрлар билан таъминлаш ва бошқа хусусиятлар*)ни башорат қилиш муҳим ҳисобланади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш бу прокурорнинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган ваколатларини тадбиқ этилишини бошлашнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Режалаштириш ҳолати нафақат ишни пухта ташкиллаштирилганлигини, балки фермер хўжалигига оид ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чораларни ҳам ўз ичига олади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш прокурор текширувида иштирок этувчи барча иштирокчиларнинг келгусида амалга оширадиган ишларини кетма-кетлигини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> Барабаш Д.И. Организация прокурорского надзора за исполнением законов в сфере безопасности дорожного движения: автореф. Дис. Кандидата юридических наук: 12.00.11//Академия Генеральный прокуратуры Российской Федерации. М., 2016. С.32.



Ф.Кобзарев прокурор ишени режалаштириш ноаниқлик, режаларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги, ўтказиладиган назорат тадбирларининг зичлиги каби одатий хатолардан қочиш учун керак бўлади.

“Прокурорнинг стол усти китоби”да иш режасини тузишда амал қилиниши лозим бўлган тежамкорлик, барқарорлик, аниқлик ва ҳақиқатга мувофиқлик каби тамойиллар қайд қилинган. Барқарорлик деганда прокурор иш режасини шундай тузиши керакки у назорат тадбирларини якунига қадар ўзгармасдан барқарор амал қилиши лозим. Аниқлик деганда иш режасида назорат тадбирлари предмети, назорат объекти, ижрочилари ва бажариш муддати аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Иш режасида декларатив мазмундаги, умумий тушунчалардан қочиш керак.<sup>2</sup>

Назаримизда, С.И.Герасимовнинг юқоридаги илмий қарашлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди.

Чунки, прокурор фермер хўжалигига оид қончилик ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказиш жараёнида тўпланган маълумот ва важларга қараб, иш режасини ўзгариши назорат тадбирлари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бошқа бир олим А.Ю.Винокуров прокурор ўтказиладиган назорат тадбирлари режасига асосланмаган, мавҳум тадбирларни киритишини қоралайди.<sup>3</sup>

Фермер хўжалигига оид қончилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш прокурор фаолиятида мақсадни аниқлаб олиш, ушбу мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган аниқ тадбирларни шакллантириш, тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва ижрочиларини олдиндан белгилаб олиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Режага киритиладиган одатий тадбирлар муаяйн вақт оралиғида прокуратуранинг фермер хўжаликлари оид қончилик ижроси устидан назорат фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш, уларни тезкор йиғилишларда муҳокама қилиш, фермерлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиш, мазкур соҳада прокурор назорати амалиётини умумлаштириш, касб маҳоратини ошириш, йиғилиш ва ҳайъат муҳокамаларини ўтказиш кабиларни ўз ичига олади.

Прокурор иш режалари комплекс, предмет, жойи, шахси, муддатлари бўйича аниқ, мавжуд куч, маблағ ва вақтга мувофиқ бўлиши лозим.

Одатда фермер хўжалигига оид қончилик ижроси устидан прокурор назоратида уч хил шаклдаги режалаштириш қўлланилади:

- Истиқболли (йил ва ундан ортиқ муддатга);
- Жорий (ярим йиллик, чораклик ва ойлик);
- Қисқа муддатли (ҳафталик, кунлик).

Таъкидлаш лозимки, С.Г.Кехлеров, О.С.Капинус ҳам прокурор назорат тадбирларини режалаштиришнинг юқоридаги каби шакллари мақбул деб қайд этган.<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Настольная книга прокурора: Учебник, под общ. ред. С.И.Герасимов М.: Экслит.2002. с-102

<sup>3</sup> Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник. М., 2011. С-87.

<sup>4</sup> Настольная книга прокурора/ под общ. Ред С.Г.Кехлерова, О.С.Капинус; науч.ред А.Ю.Винокуров. М.: Издательство Юрайт, 2012. С-104



Прокурор назорати назариясида иш режанинг бошқа шакллари ҳам қайд қилинган. Ю.Е.Винокуровнинг таъкидлашича, иш режаларини функция ва субъектларига қараб таснифлаш мумкин.

Субъектига кўра иш режалари прокуратура маҳкамаси иш режаси, маҳкама тармоқлари иш режаси, прокуратура органи мансабдорларининг шахсий иш режаларига бўлинади.

Функциясига кўра иш режаси назорат ва бошқарув фаолиятини тартибга солишга қаратилган (текшириш, умумлаштириш, жойларга чиқиш); прокурорлар касб маҳорати ва малакасини оширишга қаратилган (прокуратура субъектлари ўқув жараёнини режалаштириш, семинар ва тренинглари ўтказиш); иш ўрганиш режалари; қўйи прокуратура органларида ижро интизомини ўрганишга қаратилган иш режаларига бўлинади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати режалари ярим йилга тузилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади;

- прокуратура иш режасига фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирини киритиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик аҳволини мувофиқлаштиришга қаратилган иш режасига фермер хўжаликлари оид қонунчилик ижроси устидан жиноятчиликни мувофиқлаштириш ҳақида банд киритиш;

- аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги прокурор-ходимларни фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича малакасини оширишга қаратилган касб-маҳоратини ошириш бўйича семинар ва тадбирлар;

- прокуратура органларининг ушбу қонунчилик ижроси юзасидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш режаси.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли Буйруғининг 4-бандига мувофиқ прокуратура органлари ўз фаолиятини юқори турувчи прокуратура органларининг иш режаларига мувофиқлиги, истиқболсиз, аниқ мақсад ва натижаларга эга бўлмаган тадбирларнинг режага киритилишига йўл қўймаслик асосида ҳар ярим йилга мўлжаллаб режалаштириши белгилаб қўйилган.

Мазкур буйруқ билан тасдиқланган Ўзбекистон Республоикаси Бош прокуратрасининг Регламенти 2-бобида эса фаолиятни ташкиллаштириш, режалаштириш ва режавий тадбирлар ижроси натижаларини расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Унга кўра Бош прокуратура иш режалари қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили асосида ҳар олти ойга мўлжалланган ҳолда тузилади.

Бош прокуратура иш режасининг лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилоти бошқармаси томонидан таркибий тармоқлар, Департамент ва Бюронинг таклифлари асосида тайёрланади.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижросини текшириш ташаббуси Бош прокуратуранинг аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги назоратига масъул бўлган тармоқ (11.1-боршқарма) ташаббусига асосан киритилади.



Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан ўтказиладиган назорат тадбирларига таклифлар Бош прокурор ўринбосарлари билан келишилган ва асослантирилган бўлиши, унда тадбирлар ижросига масъул ва иштирок этиши лозим бўлган таркибий тармоқлар, тадбирнинг ижро муддати, натижасини амалга оширишнинг шакллари ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Кўпроқ ушбу тадбирда иштирок этадиган ҳамкор тармоқлар Бош прокуратуранинг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ҳамда Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасидан иборат бўлади.

Мисол учун, балиқчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг фаолияти билан боғлиқ иш режа қисми Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан кўриб чиқилса, унга ажратилган ерларда ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатлари Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Бош прокуратура иш режаси лойиҳасини тайёрлаш учун таклифлар ҳар йилнинг 10 июнь ва 10 декабрь кунига қадар ташкилий-назорат ва таҳлиллот бошқармасига топширилади.

Иш режанинг лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлиллот бошқармаси томонидан тайёрланиб, Бош прокурорнинг ўринбосарлари ҳузурида таркибий тармоқ раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинади ва ҳайъат муҳокамасига киритилади.

Шу боис, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижросини у ёки бу қисмини текширишга оид таклифлар пухта асослантирилган ва долзарб бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Режавий тадбир белгилангандан сўнг энг муҳим кейинги тадбир бу фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан ўтказиладиган назорат тадбири юзасидан топшириқ лойиҳасини тайёрлашдир.

Бугунги кунда прокуратура органлари олдига фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгиланганлиги боис, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирларини режалаштиришда кўпроқ уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш прокуратура органларининг аниқ бир ходимига юкланади.

Юқоридаги регламентнинг 14-бандига мувофиқ прокуратура органларида ишлар соҳа-минтақа тамойили асосида ҳамда вазифалар тақсимотида мувофиқ ташкил қилинади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати аниқ бир прокурор ходимлар томонидан амалга оширилади.

Вилоят ва туман прокуратураларида фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати кўпроқ прокурорларнинг ёрдамчиларига бириктирилади.



Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳати бу қонун бузилиши ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришдан иборатдир.

Прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида мазкур қонунчилик ижроси юзасидан турли маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш муҳим ўрин тутди.

Фермер хўжалигига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш манбаси фермер хўжалиги раҳбарлари ва ишчиларининг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги хабарлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат қилувчи идораларнинг қонун бузилиши ҳақидаги материаллари ҳисобланади.

Фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари ушбу йўналишдаги жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари, прокурор текшируви материалларида, жиноят иши бўйича терговчилар томонидан киритиладиган тақдимномаларда ҳам акс этади.

Фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар амалиётда кўпинча ер ресурслари, солиқ идоралари, фермерлар кенгаши, қишлоқ хўжалиги бўлимларида учрайди.

Шу сабабли прокурорлар юқоридаги идоралардан фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисида қуйидаги материал, маълумотларни олиши муҳимдир:

- улар томонидан аниқланган фермер хўжаликларига оид қонун бузилишлар, бунинг сабаблари ва келтириб чиқарган шарт-шароитлари тўғрисида;

- қонун бузилиши оқибатида келиб чиққан салбий оқибатлар ёки етказилган зарарлар тўғрисида;

- қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ёки олдини олиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида;

- фермер хўжалигига оид қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар тўғрисида.

Фермер хўжаликларига оид қонунийлик аҳволи ҳақида шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлар ва вакиллик органларидан ҳам муайян маълумотлар олиш мумкин.

Айниқса, статистика идораларидан фермер хўжаликларига оид қонунийлик ҳолати бўйича кўрсаткичларни олиб таҳлил қилиш прокурор назоратини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда аграр ва озиқ-овқат соҳаси рақамлаштириш жараёнлари шиддат билан амалга оширилиши натижасида фермер хўжаликларига оид маълумотлар электрон ахборот тизимлари маълумотлари асосида ҳам олиб таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205 - сонли Фармони 9-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 майга қадар 2024 йил пахта ҳосилидан



бошлаб электрон тарози орқали қабул қилинган пахта хом ашёси ва ишлаб чиқарилган пахта толасини автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш ва уни «Агроплатформа» ахборот тизимига интеграция қилиш белгиланган<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, аграр соҳада фермер хўжалиklarининг кўрсаткичларини акс эттирадиган қуйидаги ахборот тизимлари мавжуд:

1. “UZKAD” – кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими. Ер баланси, шу жумладан жами ер майдонлари, уларнинг тоифалари ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. (Давлат кадастрлари палатаси).

2. “ArcGIS” – ер майдонларининг электрон харитасини яратиш дастури (Кадастр агентлиги, “Аграсаноатни рақамлаштириш ДМ, “Ўздаверлойиха” ДИЛИ).

3. “E - YER NAZORAT” – ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг кўриб чиқиши ва бартараф этилиши бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими (Кадастр агентлиги)

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

1. “Геоахборот” тизимида – ҚХВ ва унинг ҳудудий идоралари томонидан қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган мониторинг натижалари қайд қилиб борилади.

2. “E - IJARA” – ижарага бериладиган қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш бўйича ҳужжатларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар билан келишиш ҳамда ушбу ер участкаларини “E-AUKSION” электрон савдо платформасига очиқ электрон танловга ўтказишга мўлжалланган ахборот тизими.

Адлия вазирлиги

1. “E - qaror” – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими.

Давлат активларини бошқариш агентлиги

1. “E - aukcion” – электрон савдо платформаси. Ер майдонлари ушбу платформа орқали деҳқон, фермер ва бошқа субъектларга танлов ёки савдо орқали ажратилади.

Юқоридаги электрон платформадаги ахборот тизимларини келгусида тўлиқ прокуратура органларининг “СЕДО” ахборот тизимига интеграция қилиниши прокуратура органларида ишларни тўғри ташкил қилиш ва йўналишни тўғри аниқлашда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжалигига оид прокурор назоратини амалга оширишда прокуратура органлари ходимлари бошқа тармоқ прокурор ходимлар билан ҳамкорлик қилишлари ҳам муҳим ҳисобланади. Худди шу каби, соҳадаги назорат идоралари, маҳаллий ҳокимлик ва вакиллик идораларини ҳам назорат тадбирларига жалб қилган ҳолда ҳамкорликда муайян тадбирлар ўтказилиши соҳада қонун бузилишини олдини олишда катта ҳисса қўшади.

<sup>5</sup> ҚММБ, 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон



Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш деганда қўйидагиларни тушуниш мақсадга мувофиқ:

*Биринчидан*, прокуратура жамоаси ёки аниқ бир прокурор ходим олдига ушбу қонунчилик ижроси устидан вазифани тўғри қўйиш;

*Иккинчидан*, кучларни ишончли ва тўғри тақсимлаш;

*Учинчидан*, жалб қилинган кучлар ёки муайян коллектив устидан самарали раҳбарликни амалга ошириш.

Мисол учун, В.Г.Бессарабов прокуратура органларида прокурор назоратини ташкил қилиш деганда прокуратура органларига ходимни ишга олишдан токи уларга самарали раҳбарликни амалга оширишгача бўлган жараёнларни тушуниш керак деган ғояни илгари суради.<sup>6</sup>

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда ходимлар олдига вазифаларни тўғри қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура органлари ходимлари олдига вазифаларни тўғри қўйилишида мазкур йўналишни услубий таъминлаш муҳим ўрин тутди. Бироқ, энг муҳим оқсоқлик бугунги кунда мазкур йўналишда услубий ва амалий қўлланмаларнинг етишмаслигидир.

Фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш доимо ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни келиб тушиши билан бошланади.

Юридик адабиётларда бундай маълумотлар манбалари сифатида қўйидагилар кўрсатилади: 1. Фуқароларнинг мурожаатлари; 2. Мансабдор шахсларнинг мурожаатлари; 3. Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари; 4. Суд иши материаллари ва бошқа манбаалар.<sup>7</sup>

Бизнинг фикримизча, ушбу манбааларни тўлиқ деб бўлмайди, чунки давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларининг фермер хўжаликларида оид қонунчиликни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, махсус ваколатли органларнинг статистик ҳисоботлари ҳам муҳим ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади.

Прокурор назоратини ташкил этишнинг яна бир муҳим элементи бу прокурор назоратини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдир.

Назаримизда прокурор текширувига жалб қилинган махсус ваколатли давлат назорати органлари ва мутахассислардан қўйидаги саволларга аниқлик киритилиши керак:

- фермер хўжаликларида ер ажратишда маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилганми?

- фермер хўжалиги билан узоқ муддатли ижара шартномаси тузилганми. Мазкур ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтганми?

<sup>6</sup> Бессарабов В.Г. прокурорский надзор: учеб.//Москва, 2006.с.162.

<sup>7</sup> Капинус О.С. Прокурорский надзор: в 2 т.Т2. Особенная и специальная части. Учебник для академического бакалавриата// М.; Юрайт, 2018. С.24.



- фермер хўжалигида ижара шартномаси талабларига риоя этилганми. Ижара шартномасига мувофиқ шартнома томонлари яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фермер хўжаликлари ўз мажбуриятларини тўлақонли бажарганми?

- фермер хўжаликлари давлат ресурслари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредит маблағларидан мақсадли сарфланганми?

- тижорат банклари хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар томонидан фермер хўжаликларига фаолияти учун зарур бўлган маблағ моддий ресурслар (ёқилғи, минерал ўғит ва ҳкз) муддатида ва белгиланган меъёрлар доирасида етказиб берилганми?

- фермер хўжаликларига кредит ажратишни рад этиш ёки имтиёزلарни қўлламаслик ҳолатлари асослими?

- фермер хўжаликларини тугатиш, қайта ташкил этиш, ер ижара шартномасини бекор қилиш ва ерини заҳирага қайтариб олиш қонунийми?

- фермер хўжаликлари томонидан экинларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этганми?

Амалиётда фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказишда энг кўп учрайдиган қонун бузилиши ҳолатларини тадқиқ этиш ҳам улар фаолияти устидан назоратни ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси назорат тадбирларида қуйидаги қонун бузилиши ҳолатлари кенг тарқалган ва энг кўп учрайди:

- фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланиш;

- фермер хўжалиги раҳбарининг ваколатларини унинг номидан бошқа шахс томонидан амалга ошириш;

- ажратилган имтиёзли кредит, субсидия ва ресурслардан мақсадсиз ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаш;

- фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномасини муддатидан олдин қонунга зид равишда бекор қилиш ва ер майдонини суднинг қарорисиз ҳокимлик заҳирасига олиб қўйиш;

- маҳаллий ҳокимлик ва бошқа назорат идоралари томонидан фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш;

- кластер корхоналари томонидан фермер хўжаликларига моддий ресурсларни етказиб беришда асоссиз ушланмаларни ушлаб қолиш, фермер хўжаликларига тўланиши лозим бўлган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари;

- фермер хўжаликларига ажратилган моддий ресурсларни талон-торож қилиш ҳолатлари;

- фермер хўжаликлари билан шартнома интизомини бузиш, бўш шартнома бланкларига имзо қўйдириш;

- фермер хўжаликлари билан биржада фьючерс шартномаларини тузиш, ижро қилиш ва бекор қилишда қонун талабларига риоя этмаслик;

- фермер хўжаликларини ҳисоботларни қўшиб ёзишга мажбурлаш ва ҳкз.

Прокурор ҳуқуқбузарлик таркибини ва ҳуқуқбузарни аниқлаш учун қуйидаги масалаларни аниқлаб олиши мақсадга мувофиқ:



- ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш;

- ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш;

- тасдиқланган ер тузиш лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмағи туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш;

- табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш;

- суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик;

- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш;

- ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш;

- Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш.

Мазкур йўналишда прокурор назоратини ташкил қилишда ҳуқуқий ҳужжатларни қонунийлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда ҳуқуқий ҳужжатларга баҳо беришда махсус билимга эга бўлган мутахассисларни жалб этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шундагина, прокурор томонидан фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирлари ўз самарасини бериб, мазкур йўналишда қонунчилик аҳволи яхшиланиши мумкин бўлади.

Бизнинг фикримизча фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда фермер хўжаликлари ва улар билан хўжалик муносабатларига киришадиган субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, асосий эътиборни фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиш мақсадга мувофиқдир.



Юқорида қайд этилган фикрлар асосида айтиш жоизки, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда назорат объектининг айнан бир соҳасида қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш, ишларни тўғри режалаштириш, прокурор текширувини ўтказиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир мурожаатларни ўрганиш ҳамда идоралар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида прокуратура органларига бир қатор муҳим вазифалар юклатилаётганлиги, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат соҳасида ишларнинг ҳажми кенгайиб бориши натижасида мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этишни такомиллаштириш орқали ишлар самарадорлигини ошириш заруриятини тақазо этади.

### References:

1. Барабаш Д.И. Организация прокурорского надзора за исполнением законов в сфере безопасности дорожного движения: автореф. Дис. Кандидата юридических наук: 12.00.11//Академия Генеральный прокуратуры Российской Федерации. М., 2016. С.32.
2. Настольная книга прокурора: Учебник, под общ, ред. С.И.Герасимов М.: Экслит.2002. с-102
3. Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник. М., 2011. С-87.
4. Настольная книга прокурора/ под общ. Ред С.Г.Кехлерова, О.С.Капинус; науч.ред А.Ю.Винокуров. М.: Издательство Юрайт, 2012. С-104
5. ҚММБ, 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон
6. Бессарабов В.Г. прокурорский надзор: учеб./Москва, 2006.с.162.
7. Капинус О.С. Прокурорский надзор: в 2 т.Т2. Особенная и специальная части. Учебник для академического бакалавриата// М.; Юрайт, 2018. С.24.